Илм ўзни билмакдир

Маърифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган   1996 йил 7 сентябрь, шанба   Баҳоси сотувда эркин нархда.   № 67 (6764)

Даъват

Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунёқараши, онги чегараланиб, бир қолипда қолмасин. Миллий ғурур, истиқлол мафкураси ғоялари унга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида жойлашган болалар уйига истиқлол байрами арафасида «Рустамжон Неъматжон ўғли» хусусий фирмаси кийим-кечак, тақчил дори-дармонлар тақдим этди. «Пахта банк» эса 1 млн. сўм миқдорида ёрдам пули ажратди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 СЕНТЯБРЬ КУНИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ РАҲБАРИЯТИ ҲАМДА БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Мулоқот чоғида одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида гап борди.

Куни кеча бутун мамлакатимизда тантанали нишонланган Мустақиллик куни мазкур сана халқимизнинг чинакам миллий байрамига айланганини кўрсатди, деди Ислом Каримов. Бу халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Биз одамларда маданият ва маънавият юксалгани, ўзлигини англаш туйғулари, Ўзбекистон менинг Ватаним, деган муқаддас тушунчалар ҳар бир ватандошимиз онгига теран кириб борганига гувоҳ бўлдик. Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, тотувлик энг катта бойлик эканини барча англаб етгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Бу эса биз изчиллик билан амалга ошираётган ишларнинг натижаси, таъбир жоиз бўлса, энг катта ютуғимиздир.

Бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндалари, маданият арбоблари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Маънавият заҳматкашларининг меҳнати самарасини, иқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, бирон мезон билан ўлчаб бўлмайди. Буни фақат одамлар қалбидаги ғурурдан, уларнинг чеҳраси очиқлигидан англаш, ҳис этиш мумкин.

Суҳбатда халқимизнинг савиясини янада ошириш, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни инобатга олган ҳолда жамиятимизда демократиялаштириш жараёнларини кучайтириш, маданият ва маънавият муассасалари ишларини тағин ҳам такомиллаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎзА).

Долзарб мавзу

КОМПЬЮТЕРНИНГ ИМКОНИ ЧЕКСИЗ

Компьютер мураккаб жараёнларни енгиллаштириб, аниқ ифода этувчи замонавий аппаратдир. Ҳозирги даврда олий ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактабларини компьютерсиз тасаввур этиш қийин. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг компьютерлаштириш буйича бош мутахассиси Раҳимжон ИСРОИЛОВдан мактабларни компьютерлар билан таъминлаш ҳамда компьютер билан ишловчи мутахассислар тайёрлаш, компьютерларни таъмирлаш ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Тошкент шаҳридаги умумий таълим мактабларининг 96 фоизи компьютер билан таъминланган. Аксарият компьютерларни «Правец 8А» «Правец 8С» ташкил этади. «Правец»ларнинг сони 377 жамлама (комплект)дан иборат. 1995-96 ўқув йилида шаҳардаги 11 та мактаб янги турдаги «IBM» компьютери билан таъминланган ва у махсус ташкил этилган «Ўзбекқувавтоматика» акционерлик жамияти томонидан ўрнатиб берилган. «IBM PS/2» компьютерлари 1988 йилда «Пилот мактаблари» кичик корхонаси томонидан 15 та ўқув муассасасида ўрнатилган. Қолган компьютерлар турли хил маркалардан иборат бўлиб, улар «Агат», «Тошкент», «Корвет», «КУВАТ-86», «Электроника УКНЦ» ва ҳоказолардир.

Компьютерлардан фойдаланиш учун шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчилари, «Ўзбекқувавтоматика» акционерлик

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда БМТ шафелигида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида шу йилнинг августида Шимолий Каролино Штатида (АҚШ) ўтказилган «Кооператив оспрей-96» ҳарбий машқларида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тинчлик ўрнатувчи батальони (Марказий Осиё батальони) иштироки якунлари ҳамда шу куннинг бир қатор долзарб вазифалари муҳокама этилди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Қирғизистон Республика Бош вазири Апас Жумағуловни қабул қилди. Унда ўзаро ҳамкорлик ютуқлари ва келажакда уни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

⊛ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг вицепрезиденти Вили Виммерни қабул қилди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Пьер Хжановски ҳамда Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ишонч ёрлиғини топширишди.

⊛ Россия хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебеднинг Аслан Масхадов билан тузган битими Россияда турлича баҳоланмоқда. Президент маъмурияти бошлиғи А. Чубайс бу ишни мақтовга лойиқ кўрса, коммунистлар етакчиси Г. Зюганов бу битимга Россия ҳудудий яхлитлигига раҳна сифатида қарамоқда.

⊛ АҚШнинг Ироқ ҳарбий мудофаа объектларига иккинчи бор уюштирган ракеталар ҳужумидан сўнг Америка, Британия, Франция самолётлари учиш ман этилган кенгайтирилган ҳудудда соқчилик қила бошлади.

⊛ Исроил янги ҳукумати шаклланганидан сўнг илк бор Исроил Бош вазири Б. Натаняху билан Фаластин раҳбари Я. Арофат ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда иккала раҳбар ҳам яқин Шарқда тинчлик жараёнларини янги куч билан давом эттиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Муҳаррир минбари

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЖУРНАЛИСТ

Журналистни жамиятнинг табиби дейдилар. Унинг замондан олдин юриши, яъни натижани олдиндан кўра олиши лозимлигини таъкидлайдилар. Бунинг учун эса у ҳаётнинг билимдони бўлмоғи керак. Инсон ҳаётини сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳоказо жиҳатларга бўлиш мумкин. Демак журналистиканинг микёси ҳам бунда дарров намоён бўлади.

Бугун Ўзбекистонда бир қанча нашрлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Хусусан, «Маърифат» газетасида ишлаётган журналист педагогик жиҳатдан, таълимдаги ислоҳот ва янгиликлардан бохабар бўлмаса, унинг ёзган мақоласи умумий характер касб этиб қолади. Умумий руҳдаги мақолаларнинг эса таъсири, самараси оз, негаки, унда таҳлил юзаки бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис VI сессиясида журналистлар фаолиятига танқидий фикр билдириб, жумладан, уларнинг аксарият мақолаларида чуқур таҳлилнинг етишмаслиги ҳақида ҳам куйиниб гапирди. Фикримизча, бунга асосий сабаб жамиятдаги мавжуд ислоҳотлардан тўла хабардор эмасликдир. Шу боис мана уч ҳафтадирки, «Маърифат» газетаси журналистларининг Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги, вазирликка қарашли Республика ташкилотлари раҳбарлари олиб бораётган ўзига хос ўқуви ўтказилмоқда. Асосий мақсад Давлатимизнинг таълим сиёсати, таълимимиздаги ислоҳотларни, уларнинг ривожланиш суръати, аҳамияти ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш ва, албатта, журналист ёки нашрнинг бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракатдир.

Умумий танқидларнинг даври ўтди. Педагогик журналистикадаги танқид таҳлилдан иборат бўлмоғи, яъни маълум камчиликни кўрсатиш билан бирга унинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиши ва муаммонинг ечими ҳам курсатиб берилиши зарур. Бу мақоланинг аҳамиятини оширади.

Юртбошимиз Олий Мажлис сессиясида ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақида гапирдилар. Ислоҳотларни чуқурлашишини кузатиш учун журналист, аввало, ислоҳотлар мақсадини тўла англаб етиши зарур. Шундагина бу ислоҳотларни чуқурлашаётгани ёки тўхтаб қолганини таҳлил қила олади. Билмаса, англамаса, демак, умумий руҳдаги мақолаларнинг ёзилиши давом этаверади.

Юқорида тилга олинган журналистлар учун махсус ўқув машғулотларида таълимнинг бугунги даражаси, олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида фикр юритилди, маълумотлар берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев таълимдаги ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, бу ўқувда журналистларни таълимдаги ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини таҳлил этишлари, таққослашлари, аҳволни кўрсатиш ва камчиликни тугатиш борасида матбуот бажара оладиган жиҳатларни санаб ўтди. Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов ҳам таълим ислоҳотини ёритиш, таҳлил қилишда журналистлар билан баҳамжиҳат ишлашга тайёрлигини билдирди. Ўқув ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш Бошқармаси бошлиғи Сойибжон Алиев ЭҲМларнинг мактабларга кириб бориш суръати, бугунги аҳволи, унинг аҳамияти ва албатта, муаммолари хусусида журналистларга керакли маълумотлар берди... Бундай ўқувлар эса ҳали давом этади.

Бугун кун тартибига «мен истиқлолга нима бердим», деган савол қўйиляпти. Журналист ислоҳотларнинг боришида муаммоларни кўрсатиб, тўсиқларни енгишга ёки халқ маънавиятини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшдим, давлатимизни ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига хизматим бўлди, дея олиши керак. Бу эса тинимсиз ва машаққатли меҳнатдир.

Юқоридаги биз ҳикоя қилган ўқишлар натижаси эса газетада умумий руҳдаги мақолаларга нисбатан таҳлилий мақолалар кўпайганда ва улар жамият ривожланишига ҳисса қўша бошлагандагина кўринади, албатта. Демак, иш навбати журналистларимизга!

МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Ўқув йилининг дастлабки куни Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги К. Расулов номли 298-ўрта мактабда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мустақиллик дарси» машғулотларида иштирок этдик.

Биринчи қўнғироқ чалингандан сўнг ҳар бир синфда «Мустақиллик дарси» бошланди. Барча фан кабинетлари, машғулот ўтказиладиган синфлар, ўқув-кўргазмали қуроллар— Президентимиз Ислом Каримов портрети, Давлатимиз рамзлари, Президентимиз нутқларидан тузилган китобчалар, дарс режаси ва бошқа адабиётлар билан жиҳозланганлари бизни қувонтирди.

Умуман олганда, Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган тадбир ва дарс машғулотлари мароқли ўтди. Истиқлол, миллат, ғурур, меҳнат, масъулият тушунчалари ўқувчилар онгига етказилди.

Т. САЛИМОВ,
ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси етакчи мутахассиси.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

АҚЛ ЧИРОҒИ

Россиялик олим А. Л. Чижавский ўзининг аэроион нурлар таратувчи қандили ёрдамида астма, гипертония касалликларини кўп марта даволаган. Яқинда қандилларнинг АҚШ мактабларида ўрнатилиши ажойиб натижаларга олиб келди: ақл нурлари таъсирида ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштириши 20 фоизга ортган.

ЭШИТУВЧИ КОМПЬЮТЕР

... яқин 10 йилда ишлаб чиқарилиши керак. «Майкрософт» корпорациясининг асосчиси Б. Гейтснинг айтишича, улар бунинг учун йилига 2 млрд. доллар сарфламоқдалар. Компьютер одамлар суҳбатини тинглаб хулоса чиқаради, ҳатто ўз хўжайинини юзига қараб бошқалардан ажрата олади.

АНТИҚА БУРУН СОҲИБИ

бўлиш Россиялик битирувчи ўқувчи Сергей Семиволосовга насиб этган. У Япониянинг ТВС телевиденияси вакилларининг олдида кўзини бойлаб ҳид олиш орқали қоғоздаги исталган ёзувни ўқиб берди. Японлар ўқувчи ҳақида «Дунёнинг супер кишилари» туркуми бўйича фильм олишмоқчи.

Тажриба, синов, натижа

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

Ватан! Бу муқаддас тушунчани ҳар бир ўғил-қизга чуқур англатиш, уларда она юрт, муқаддас тупроқ, қадрдон эл, унинг бойликларию миллатнинг анъаналари билан фахрланиш туйғуларини жўштириш ўқитувчининг бурчи ва вазифасидир. Шу боис у ўтадиган ҳар бир дарс билим билан бирга тарбиявий мақсадга ҳам хизмат қилиши зарур. Бошқа ҳамкасбларим қаторида педагогиканинг ана шу талабларига доимо эътиборни қаратаман. Айниқса, адабиёт фани айрим мавзуларни ўтишда ана шу тарбиявий мақсадни жонлантиришда, ўқувчиларни Ватан, юрт, муқаддас тупроққа нисбатан тушунчаларини кенгайтиришда турли дарс усулларидан фойдаланаман. Улардан бири «Очиқ дарс» усулидир.

Одатимга кўра, ўқувчиларимни ўрганилиши лозим бўлган асарлар, уларнинг муаллифлари билан қисқача таништириб, бу асарларни ўрганиш бўйича алоҳида-алоҳида топшириқ бераман. Улар ёзувчининг шахси, унинг асарларини ўрганиш учун узоқ вақт тайёргарлик кўрадилар. Маълум бир асарни ўрганиб, таҳлил қилиб бўлганимиздан кейин навбатдаги асарни ўрганишга ўқувчилар тайёр ҳолда келадилар. Жумладан, таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърини ўрганиш учун дастурда 6-синфга 2 соат вақт ажратилган. Биринчи соатда Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг ва атрофлича маълумот бераман. Ўқувчилар билан биргаликда ижодкорларнинг шоир ҳақидаги фикрларини ўрганамиз. Болалар ёрдами билан шоирнинг турли йилларда чоп этилган барча тўпламларидан иборат китоб кўргазмасини ташкил этамиз. Ўқувчим Алишер Ҳамдамов мўйқаламига мансуб Эркин Воҳидовнинг портрети намойиш этилади. Дарсни мустаҳкамлаш жараёнида эшик очилиб аълочи ўқувчиларимдан бири шоир қиёфасида кириб келади ва ўғил-қизлар билан мулоқотга киришади. Болалар эса шоир шеърларини ёд-байтбарак шаклида айтиб берадилар.

Мулоқот якунлангач, хайрлашиб чиқиб кетади. Шундан сўнг дарсни якунлайман ва уларга уй вазифаси бераман.

«ЎЗБЕГИМ» ШЕЪРИНИ ЎРГАНИШ (2-дарс)

Таълимий мақсад: шоирнинг «Ўзбегим» шеърини ўқиш, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва келажагига фикран саёҳат қилиш.

Тарбиявий мақсад: ўқувчиларни она диёримизга муҳаббат, буюк аждодларимизга ҳурмат, эътиқод, она заминга садоқат руҳида тарбиялаш.

Дарснинг жиҳози: Шоирнинг сурати, барча асарларидан иборат китоблар кўргазмаси, таниқли хонанда Шерали Жўраев томонидан куйланган «Ўзбегим» қўшиғи ёзилган магнит тасмаси, шеърда тилга олинган ўзбек алломаларининг, портретлари, уларнинг асарларидан намуналар, дунё харитаси, Ўзбекистоннинng рамзий белгилари, шеърнинг ҳар байти бўйича махсус тайёрланган альбом мустақил диёримизнинг тасвири туширилган ва қўлда ишланган расмлар, ўзбек бадиий ҳунармандчилигининг айрим намуналари.

Дарсни ўзига хос услубда бошлайман. Синфдаги 18 ўқувчи шеърда тилга олинган буюк алломалар қиёфасида ўтиришади. Қолган ўқувчилар тайёрлаб келган альбомларини, чизган расмларини, бадиий ҳунармандчилик намуналарини намойиш қилиш ва қўшиқ куйлашга шай бўлиб турадилар. Дарс байрамона кайфиятда шеърий дақиқа билан бошланади. Шоир шеърларидан намуналар айтилади.

Дарс аввалида болаларга «Ўзбегим» шеърининг ёзилиш тарихи, мавзуси, ғояси, жанри, ўзбек сўзининг луғавий маъноси, келиб чиқиши, Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни, келажаги, унинг буюк кишилари ҳақида тушунча берилади. Сўнгра шеърни ифодали ўқиб, шоирнинг овози ёзилган магнит тасмасини эшиттираман. Болаларнинг диққатини мустақил диёримизни мадҳ этувчи суратларга, шеър асосида тайёрланган альбомга жалб этаман. Сўнгра ўқувчилар билан биргаликда мозийга ва келажакка хаёлан саёҳат қиламиз. Шу саёҳат ёрдамида шеър таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида болаларга тахминан қуйидагиларни сўзлаб бераман:

— Болалар, ҳозир биз мозийга ва келажакка хаёлан саёҳат қиламиз.

Минг йиллик воқеаларнинг шоҳиди, лекин ҳаммасини сир сақлагувчи оқсоч Помир ва Тангритоғни кўз олдингизга келтиринг. Оппоқ чўққиларни тасаввур этяпсизми? Мана шу оқликларга қараб юрагингизни поклаб олинг, қорли чўққиларга узоқроқ тикилинг, токи юрагингиз ёришсин!

(Давоми 2-бетда).

MMM ХАБАРЛАРИ

БОҒЧАНИНГ «НОНИ» ШИРИН ЭКАН

Бола боғчаданоқ «тез югура» бошладими, демак, ишонаверинг. У бари-бир бир кун келиб ўзининг кимлигини кўрсатиб қўяди.

Шаҳрихондаги «Гулшан» боллар боғчаси тарбиячиси Шарофат Ғаффорова «Эртага — 1 сентябрь» деган куни ўзининг 25 нафар сумка қўлтиқлаган болаларини етаклаб шаҳардаги 10-ўрта мактабга борувди. Болажонларнинг ҳаммаси мактабда янги очилган гимназия синфига қабул қилинди, денг... Нега дейсизми?.. Ахир, улар бирпасдаёқ ўз боғчаларининг нони жудаям ширин эканлигига ҳаммани ишонтира олишди-да!

SPORTNI SEVISHDAYAM SIR KO'P

Usmon Yusupov tumaniga qarashli U. Qurbonov nomidagi maktabning ko'pchilik o'quvchilari o'z stadionlarini juda yaxshi ko'rishadi. Ayniqsa T. Ravshanov, F. Haqberdiev singari o'quvchilar sport murabbiylari O. Turobov hamda Sh. Nuriddinovlar bilan birgalikda o'z ustilarida tinimsiz ishlashgani-ishlashgan. Insholloh, yaqin orada bu maktabda, ayniqsa voleybol, futbol, basketbol deganlari ancha kuchayib ketsa kerak.

ЧЎПОН БОЛАЛАРИГА МАЗЗА БЎЛДИ

Чўпоннинг таёғи синмаса, бу ёғи албатта тўкинчилик бўлаверади. Таёқни бутун сақлаб туриш эса, ҳаммамизга боғлиқ. Чунки чўпонга кўп нарса керак эмас. Фақат озгина бўлсаям унинг кўксини кўтариб қўйсангиз бўлди.

Урганч туманининг Абай номли мактабда ўқийдиган болаларнинг асосий қисми ҳам чўпонларнинг фарзандлари. Яқинда Қўнғирот ҳудудининг газлаштирилиши баҳонасида бу мактабга ҳам газ олиб кирилди. Энди болажонлар қишни мазза қилиб ўтказишса ажаб эмас.

МУАЛЛИФЛАР:
Ҳасанбой РУСТАМОВ,
F. ESHQULOV,
Ғойиб ЁҚУБОВ.

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

(Боши 1-бетда).

Мана, сиз қадимий Афросиёб бағридасиз. Самарқанднинг қоқ юрагида жойлашган бу гўзал маскан не-не алломаю фозилларнинг тақдиридан афсоналар сўзлайди (Шу ўринда Афросиёбга боғлиқ бўлган қадимий афсоналардан ҳикоя қилиб бераман).

Биз Ўрхун — Енисей дарёси қирғоқларидамиз. Дарё бўйида улкан тошлар. Улардаги қадимий ёзувларни кўриб, худди ёдгорликларни биринчи бўлиб ўзингиз топгандай қувониб кетаяпсиз.

Кўз олдингиздан Шарқнинг буюк мутафаккирлари бир-бир ўта бошлайди. Кўряпсизми, Ал-Беруний илмий иш билан машғул. Ажабо, Беруний бобомиз ўзбеклар ичида биринчи бўлиб жаҳонда Америка деган қитъа борлигини исботлаб қўйибди-ю биз ҳамон Колумбга тасаннолар айтиб юрибмиз...

Ана сизларга Ал-жабр илмини ҳадя этган Ал-Хоразмий: «Болаларим, риёзиёт илмини ёшликдан мукаммал ўрганинг, чунки бу фан бошқа фанларнинг калитидир, дея меҳр билан термулиб турибди. Бу инсондан буюк тафаккурни ўрганинг.

Ана, Шарқда Арастудан кейин иккинчи муаллим номини олган Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий барчангизни илм олишга чорлаяпти.

Амир Темурнинг суюкли набираси, Сароймулкхонимдек дилбар аёлнинг тарбиясини олган буюк инсон — улуғ олим, тадбиркор шоҳ, атоқли саркарда, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ўзи қурдирган расадхонада туриб, ўзи кашф этган 1018 та юлдузнинг ҳолатини кузатмоқда.Зиналардан бир-бир юриб биз ҳам расадхона томон кўтариламиз. Юқорига олиб чиқувчи зиналар 41 та экан. Ажабо, иккинчи марта чиққанимизда зиналар сони 39 та чиқди. Дарвоқе, бу сир-синоатнинг тагига ҳалигача ҳеч кимса етган эмас. Сизларнинг ораларингизда ҳам бўлғуси Улуғбеклар бор, албатта. Вақтлар келиб бу жумбоқни ечиб берсалар, ажабмас.

Фасоҳат илмининг соҳибқирони А. Навоий буюк «Хамса»ни якунлаб оқ от устида, шоҳ Ҳусайн Бойқаро етагида Ҳиротга кириб келмоқда. Одамийлик, инсонпарварлик, қўйингки, барча фазилат ва хислатлар унинг сиймосида мужассам.

Ана, Бобур «Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди», — дея фалакнинг дастидан фиғон чекмоқда. Юртни соғинишдек, Ватанни севишдек кучли туйғуни ҳазрати Бобур нафасларидан сезиш мумкин.

«Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?». Бу шоир Машрабнинг ўтли нолалари. Қаландар қиёфасида юрган Машрабни кўряпсизми? Пок муҳаббатни Машрабдан ўрганса арзийди.

Шеърият гулшанида бевақт сўлган маъсум чечак — Нодиранинг кўзларида юз йиллик мунг, юз йиллик изтироб. У ўлим юзига тик қараса қарадики, лекин душманга тиз чўкмади. Нодирабегимнинг ўтли фарёдини, ўз юртига қайтолмаган Фурқатнинг, кимсасиз ҳужрада тани совиб бораётган Муқимийнинг нолаларини тингласангиз юрагингиз эзилиб кетади. Лекин, болажонларим, тушкунликка тушманг, мозийнинг бағридан ҳали чиққанингиз йўқ.

Кўряпсизми, ўзбекнинг ерига ҳар ёндан ёғий бостириб келмоқда. Рум қайсари — Юлий Цезар (сурати кўрсатилади), Чингизу Боту тиғига ўзбек кўксини қалқон қилди, Муқанна бўлиб ерини ҳимоя қилди, Сарбадорлар сафида тенг ҳуқуқлилик учун курашди.

Шунча кўргиликларни кўрган, зулмдан бағри қонга тўлган халқ бошига яна не-не кўргиликлар тушишини билмасди. Қизил империячилар шўрлик ўзбекларнинг бошига не-не жафоларни солмади дейсиз? Улар «Тенглик, тинчлик-тотувлик» шиори остида ўз ихтиёримиз билан бизларни қулга айлантирмадими? Авлодларга мерос қолган гўзал обидаларни вайрон қилди, бебаҳо китобларни ёқди, юртни талади, вайрон қилди. Илмли, маърифатли кишилар Ватандан бадарға қилинди. Юртни адолат билан бошқараётган, халқни тўғри йўлдан бошлаб борувчи кишилар отиб ташланди. Яқин-яқин кунларда ҳам юртнинг асл ўғиллари юзига қора чапланди. Қадимдан нафис ва бой тилимиз бекадр қилинди. Ажойиб, гўзал удумларимиз қолиб, ўзгаларнинг удумларини ўргандик. Шукрлар бўлсинки, Мустақиллик шарофати туфайли ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Шоир айтганидек:

Ортда қолди кўҳна тарих,
ортда қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди захминг,
топди дармон, ўзбегим.
Бўлди осмонинг чароғон
толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шонинг,
шуъла-афшон, ўзбегим.

Шоирнинг бутун умиди сизлардан. Қуйидаги мисралар буни яққол кўрсатиб турибди:

Тарихинг битмакка, халқим,
мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
мингта достон, ўзбегим.

Бу кунларга етиш осонлик билан кечмади. Бу кунларнинг қадрига етмоқ, бу кунларнинг ҳар бир сониясини эъзозламоқ керак. Шунинг учун ҳам шоир мужгонлар кўз қароқларини ҳимоя қилганидек, сиз ёшлар ҳам кўз қароғингиз бўлган — муқаддас Ватанингизни ҳимоя қилишга чақиради:

Мен Ватанни боғ деб айтсам,
сенсан унда битта гул,
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
битта мужгон, ўзбегим.

Ўзбекистон қадимдан Шарқда машъалдиёр бўлгани билан дунё аҳли тан олмаган. Биз мустақил бўлганимиздан кейин бутун жаҳон халқлари бизни тан олдилар ва шундай гўзал, жаннатмакон юрт борлиги учун қувондилар. Айни кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида бизнинг давлатимиз бизнинг байроғи ҳам ҳилпираб турибди.

Бугун бизга жаҳоннинг
барча дарвозалари очиқ:
Ўзбегим деб кенг жаҳонга
не учун мадҳ этмайин,
Ўзлигим билмоққа даврим
берди имкон, ўзбегим.

Бу ишларнинг барчаси юртбошимиз Ислом Каримовнинг олдиндан узоқни олдиндан кўра билиши, тантилиги, тадбиркорлиги, ҳақиқатпарварлиги, тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли қўлга киритилди. Биз суюкли Президентимиз сиймосини қуйидаги мисралар орқали яққол кўрамиз.

Қайга бормай бошда дўппим,
шуҳратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Дунёдаги барча халқлар юртбошимизнинг ташрифини қувонч билан қаршилайдилар. Юртбошимиз орқали ўзбекнинг салобатидан, оқ кўнгиллигидан, тантилигидан воқиф бўладилар.

Ҳа, болажонларим, шоир башорат қилганидай, сизлар мустақил юрт келажагидирсизлар. Келажаги буюк давлат қуриляпти. Биз қураётган, яратаётган гўзал келажак ҳам мустаҳкам, ҳам умрбоқий бўлади.

Айни замонда сизлар риоя қилишингиз лозим бўлган битта қоида, зиммангизга юкланган масъулият бор. У ҳам бўлса, ўзбек деган номга доғ туширмаслик, ўзбекнинг фарзанди эканингизни унутмаслик. Сиз бугун мозий бағрида кўрган буюк аждодларимизнинг ибратли ишларини дадил давом эттирсангиз, она-Ватанингизга муносиб фарзанд бўла оласиз. Сизларга жаҳон кўз тутмоқда. Шунинг учун дарсдаги билимлар билан чегараланиб қолманг, мустақил мутолаага берилинг! Чунки буюк даҳоларимиз ҳам барча илмларни мустақил ўрганганлар.

Азиз ўқувчиларим, биллурдек соф қалбингиз, покиза тилакларингиз бор. Беғубор митти юрагингиз бир маромда уриб турар экан, албатта, сеҳрли эртаклардагидай мўъжизавий бахтни ўзингиз кашф қилгайсиз. Мен бу кунларни аниқ ва равшан кўриб турибман.

Муборак КАРИМОВА,
Избосқан тумани Ал-Хоразмий номидаги 15-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

КОМПЬЮТЕРНИНГ ИМКОНИ ЧЕКСИЗ

(Боши 1-бетда).

жамияти мутахассислари, Республика таълим маркази информатика бўлими ходимлари ҳамда «Истиқбол» уюшмаси томонидан ўқув дастурлари ҳамда қўлланмалар яратилди.

Муаллимлар шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида махсус ташкил этилган курсларда ўқув қўлланмалардан фойдаланишни ўрганадилар. Ҳар бир туман халқ таълими бўлими қошида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчилари учун консультациялар ташкил этилди. Консультацияларни махсус таянч мактабларининг тажрибали ўқитувчилари — Т. Азларов (40-мактаб), М. М. Синельников (94-мактаб), Ш. Шозиётов (234-мактаб), М. А. Иванова (89-мактаб), Б. Каримов (138-мактаб), Я. Ю. Хибкин (107-мактаб), Л. В. Галкина (61-мактаб), Ҳ. Раҳимова (256-мактаб) ва бошқалар олиб борадилар.

Академик В. Қобулов раҳбар фидойи ўқитувчилар, изланувчан олимлар иштирокида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»дарслиги яратилди.

Маълумки, 1995-96 ўқув йилда мактабларнинг битирувчи 9 ва 11-синфларида оғзаки имтиҳонлар тест саволлари воситасида компьютерларда ўтказилди. Сирғали туманидаги 2-мактабда эса ёзма имтиҳонлар ҳам компьютерда олинди. Дарс беришга ўқитувчилардан ташқари мутахассис-программистлар жалб этилган.

Бош мутахассис билан суҳбатимиз давомида компьютерларни ҳаётга татбиқ этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида бартараф этиш лозим бўлган муаммолар ҳам тилга олинди. Жумладан, ҳозирги даврда «Правец» компьютерларининг вақти ўтган. Уларни фақат компьютерларни ўрганишдагина ишлатиш мумкин. «Правец»лар замонавий турли хил программалар пакетидан фойдаланишни таъмин эта олмайди. Ҳозирги даврда мактабларни «IBM» компьютерлари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда,энг муҳими, мазкур фан ўқитувчилари ўқувчиларга компьютерда ишлашни ўргатишда техника бузилиб қолади, деган хаёлга бормай, болаларда компьютерга нисбатан меҳр уйғотишлари лозим. Бу психологик тўсиқ бартараф этилса, таълим самарадорлиги янада ошади.

Фақатгина «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчиларигина эмас, балки бошқа фанлар, жумладан, адабиёт, биология, химия фанлари муаллимлари ҳам дарсларни компьютер ёрдамида ўтишга одатланишлари зарур. Улар ЭҲМларни ишлатишни билишлари бу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, бу муаммони ҳал этиш учун шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамда педагогика ўқув юртлари базасида ЭҲМлардан фойдаланиш юзасидан ўқитувчиларнинг малакаларини ўстиришни ташкил этиш керак.

Суҳбатдош Д. ХЎЖАЕВА.

Мактабим — фахрим

«ҚИМИРЛАГАН» ҚАРАБ ҚОЛМАЙДИ

Ангрен шаҳридаги ТошПИнинг умумий техника фанлари ва меҳнат факультетини тамомлаган Ҳомиджон Бекназаров ўз мутахассислиги бўйича Рапқон Кенгашига қарашли 40-ўрта мактабга меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб келганига ҳам 15-йил тўлибди. Ушанда Ҳомиджон ўз иш фаолиятини мослаштирилган устахонада бошлаганди. У вақтда бу ерда деярлик амалий таълим имконияти йўқ эди. У ўз олдига устахонани замон талаби даражасида жиҳозлашни бош мақсад қилиб қўйди. Чунки устахонада моддий база бўлмагач, ҳеч қачон кўнгилдагидек дарс ўтиб бўлмайди.

Ҳамиджон биринчи галда ўқувчи учун ёғоч ишлаш ва металл ишлаш иш жойларини ташкил этди. Сўнгра ҳар иккала соҳа учун иш ва ўлчов асбобларини тўплади. Кейин торгина хона бўлса-да, у ерга бирин-кетин чарxлаш, ёғоч ишлаш, токарлик дастгоҳи, токарлик-винткесар, фрезерлаш, пармалаш, дастгоҳларини ўрната бошлади. Дастгоҳларнинг хавфсиз ишлаши, ўқувчиларнинг бўйига мос келиши таъминланди.

Шу билан бирга «Дурадгорлик» тўгарагини ташкил этиб, унга қизиқувчан ўқувчиларни жалб қилди.Ҳомиджон ўқувчиларни меҳнат таълимига шу қадар қизиқтирган эдики, ҳафтанинг қайси кунида борманг, устахона ўқувчилар билан гавжум, барчаси турли амалий ишлар билан машғул бўлишарди.

Тиниб-тинчимас ўқитувчи устахонада таълимни янада самарали бўлишини таъминлаш мақсадида «Кундузлаштирилган экран» ташкил этиб, уни ўз ўрнида ишлата билгани боис ҳам ўқувчиларда янада меҳнат таълимига бўлган қизиқишни орттирди.

Ҳомиджон болаларни қалбдан севади, улардан бор билимини ва маслаҳатларини аямайди. Утган 15 йил мобайнида эса бир неча ўнлаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида дурадгорлик, сураткашлик, ўймакорлик ва токарлик касблари бўйича ўқиб ҳам ишламоқдалар.

Мактабда Ҳ. Бекназаровнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилган. Айниқса, ўқувчилар ясаган хонтахта, телевизор, радиоприёмник қўйиш учун қилинган шаклдор столлар, жува, келича каби кўплаб турдаги буюмлар киши диққатини ўзига тортади. Сифатли тайёрланган ўқувчиларнинг ишлари мактаб жамоаси ва қишлоқ аҳолисига арзон нарҳда сотилмоқда.

Шунингдек, турли шаклдаги хонтахта оёқларини тумандаги кичик корхоналарга шартнома асосида тайёрлаб бериш яхши йўлга қўйилган. Бундан ўқувчилар моддий жиҳатдан ҳам манфаатдор бўлмоқдалар.

Ҳ. Бекназаров тарбиялаётган ўқувчилар кўп йиллардан буён туман ва вилоят олимпиадаларида, кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, бир неча марта ғолибликни қўлга киритишган.

Муаллимнинг олиб бораётган ибратли ишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бир неча бор мактаб маъмурияти, туман ва вилоят халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 1990 йилда унга «Катта ўқитувчи» унвони берилди. Албатта, булар Ҳомиджоннинг самарали меҳнати эвазига қўлга киритилган. Қисқаси Ҳ. Бекназаров ўз устида тинмай ишлаб бориб, ўқувчиларга касб ҳунар сирларини ўргатиш, уларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида бутун билим ва маҳоратини сафарбар этаётир.

Бектемир ПИРНАФАС.

Расмий бўлим

ЎҚУВЧИ ВА СИЁСИЙ ТАФАККУР

Ўзбекистон Республикасида янги ҳуқуқий демократик жамият таркиб топмоқда. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб, иқтисодий ривожланиш йўлидан бориш ўзига хос янгича сиёсатни, янгича муносабатларни вужудга келтираётир. Жаҳон иқтисодий сиёсати майдонида «Ўзбек модели» ҳам пайдо бўлди. Бу мамлакатимизда янги бошқарув тизимини пухта шакллантиришни ва сиёсий жараёнларни чуқур тушунишни тақозо қилади. Жамиятимиздаги демократик жараён кўппартиявийлик ва оммавий-сиёсий ташкилотлар фаолиятлари янгича сиёсий тафаккур юритишни ҳам тақозо этаётир.

Ана шу каби кўпдан кўп масалаларни камол топаётган ёш авлодга чуқур англатиш бугунги халқ таълимининг муҳим вазифаларидандир. Шу мақсадда педагогика билим юртлари ва махсус ўқув юртларида «Сиёсатшунослик» фани ўқитилмоқда. Бу фанни ўқитишда ҳали талайгина муаммолар ҳам бор. Ҳали фан бўйича дарсликлар, дастурлар ва тегишли адабиётлар етишмаётир. Янги тайёрланган таълимнинг бу воситалари баъзи туман ва вилоятларга етиб борганича йўқ. Ана шу вазиятни ҳисобга олиб, биз жойларда ишлаётган ўқитувчиларга фаол ёрдам бериш мақсадида «Сиёсатшунослик» фанини ўқитишнинг тахминий режасини ишлаб чиқдик. Уни педагогика билим юртлари ва махсус ўқув юртлари учун мўлжаллаганмиз. Газета орқали ана шу режани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Педагогика билим юртлари ва махсус ўқув юртлари учун «Сиёсатшунослик» фанидан МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий машғулот	Жами
1.	Сиёсатшунослик фани ва унинг предмети	2	1	3
2.	Сиёсатшунослик фанининг вужудга келиши ва ривожланиши. Сиёсий қарашлар тарихи	4	4	8
3.	Сиёсат тушунчаси ва унинг моҳияти	1	0	1
4.	Жамиятнинг сиёсий тизими ва унинг тузилмалари	2	2	4
5.	Сиёсий ҳокимият ва унинг ривожланиш механизми	2	2	4
6.	Ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий синфлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар	2	2	4
7.	Сиёсат, шахс, сиёсий онг ва сиёсий маданият	2	2	4
8.	Сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт	2	2	4
9.	Миллий муносабатлар ва сиёсат	2	2	4
10.	Жамиятни бошқариш ва кадрлар сиёсати	2	2	4
11.	Сиёсат ва жамиятнинг маънавий маданияти	2	1	3
12.	Сиёсат ва ёшлар	2	1	3
13.	Янги сиёсий тафаккур ва унинг халқаро муносабатларга таъсири	1	1	2
14.	Жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар	4	2	6
15.	Умумбашарий муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари	1	1	2
16.	Ўзбекистонда фуқаровий жамиятни шакллантиришнинг асосий тамойиллари	2	2	4
	Жами	33	27	60

Тузувчилар: Жиянхўжаев С. Ж. — тарих фанлари номзоди, доцент Ўрмонов М. Ў. — тарих фанлари номзоди, доцент.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ.

Халқ таълими вазирлиги

Ҳайъат йиғилишида

Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев олиб борган ХТВнинг навбатдаги ҳайъат йиғилишида икки масала кўрилди. Улардан бири Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда унинг шаҳар, туман бўлимларида фуқароларнинг шикоят, ариза ва хатлари билан танишиб чиқиш, зарур чора-тадбирлар белгилаш масаласи муҳокама этилди. Бу борада қатор ишларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб ҳайъат йиғилиши Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси (бошлиқ А. Бекмуродов) зиммасига қатор қатъий мажбуриятларни юклади:

— қисқа муддат ичида фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш;

— бошқармага тушаётган хатларнинг мундарижаси ва жуғрофияси бўйича ҳар тарафлама қилинган чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда улар томонидан кўндаланг қўйилган муҳим муаммоларга оид амалий тадбирлар ишлаб чиқиш;

—фуқаролардан тушаётган шикоятларни олдини олиш мақсадида «Очиқ хатлар куни», вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари раҳбарларининг педагоглар, ўқувчилар ҳамда ота-оналар билан учрашувларини мунтазам равишда ўтказиш;

— халқ таълими бўлимлари ва муассасалар раҳбарларини ҳар бир педагогик жамоада ижодий муҳитни янада яхшилаш, халқ таълимини ислоҳ қилишда муносиб ҳиссасини қўшишни таъминлаш, бўйича жавобгарлигини ошириш...

Ҳайъат йиғилиши, бундан ташқари Республика Таълим марказининг фаолиятига доир махсус текширишлар натижалари билан танишиб чиқди ва марказ директори Ҳ. Бобобековни ўз вазифасидан озод қилиш, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институти ректори Ғ. Шоумаровни мазкур лавозимга тайинлаш бўйича қарор қилди.

ФАРҲОДЖОННИНГ

ёхуд мураббий ва устоз — «Халқ маорифи аълочиси», II даражали «Соғлом

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманига қарашли «Ўзбекистон» ва «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси ҳудудида номлари тарихимизнинг зарварақларига муҳрланган ва бир-бирига туташ иккита қишлоқ бор. Эътибор беринг, биринчиси — Шейхлар (бизнинг наздимизда Шайхлар бўлса керак), иккинчиси — Минглар деб аталади. Ҳар икки қишлоқ ҳам бундай деб бежиз аталмаган. Минглар — агар таъбир жоиз бўлса, ўзининг минг йиллик тарихига эга. Бу қишлоқда улуғ аждодларимизнинг буюк вакили, муҳтарам зот — Сўфи Оллоёр таваллуд топган. Шу боис ҳозир бу ерда жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Форҳоджон Норқулов Минглар қишлоғида, яъни зоти шариф ва мукаррам Сўфи Оллоёр таваллуд топган заминда туғилди, ўсди, улғайди.

...Биз қайси бир ижодий сафаримиз давомида Иштихонга келиб, устоз ўқитувчилар — Тошпўлат Мавлонов, Марат Тоштемиров (туман халқ таълими бўлими мудири), Абдурасул Ускинов ҳамда бошқа кўплаб зиёлилар даврасида Шейхлардаги Алишер Навоий номли 4-ўрта мактаб директори, «Халқ маорифи аълочиси» Фарҳод Норқулов ҳақида ва унинг шаъни-шавкати хусусида бир-бириданилиқ ва самимий фикрлар эшитдик.

— Ҳамкасбимиз Фарҳод Норқулов — салоҳиятли раҳбар, — дейишди улар. — Иқтидорли, тиниб-тинчимас, ғайратли инсон. Мактаби туман, ҳатто вилоят миқёсида энг намунали. Кўп йиллардан бери директор. Ўтган йили Президентимизнинг Фармони билан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланиши ҳаммамизни қувонтирди. Табриклагани бордик. Ишонаверинг, ўша куни мактаб ҳовлиси гўё тўйхонага айланиб кетди. Ўқитувчиларни, ўқувчиларни айтмайсизми — бирам шод, бирам хурсанд. Фарҳоджонни-ку, қўяверинг. «Бу мукофот мактабимиз жамоасининг ҳар бир аъзоси учун, қолаверса, иштихонлик барча зиёлилар учун катта сийлов, ҳурмат», дейди ич-ичидан қувониб. Айниқса, онаси Умид момонинг боши осмонга етди. Тўғриси, Фарҳоджон волидаи муҳтарамасининг дуосини олиб, кам бўлаётгани йўқ. Кўп дуоси — олтин. У қарияларнинг ҳам ҳурмат-эҳтиромига сазовор. Хуллас, Фарҳоджоннинг беназир олтинлари бор...

Фарҳоджоннинг умр йўлдоши Тошбувихон —Қаҳрамон она. Уларнинг 10 нафар фарзанди бир-биридан дуркун, одоб ва ахлоқда аъло. Тўнғич қизи — Зебунисо бошланғич синф ўқитувчиси, Меҳринисо — филиал-йўлдош мактабда ўқувчиларга бичиш-тикишдан сабоқ беради. Оиланинг олтинчи фарзанди — Баҳодиржон отаси изидан бориб, ўқитувчи-тарбиячи бўлишга аҳд қилган. У айни вақтда Самарқанддаги жисмоний тарбия педагогика билим юрти талабаси. Ҳасан, Зулайҳо ва Ойшабувилар эса турли соҳаларда самарали меҳнат қилишаяпти. Акбаржон — 11-синфда, Қизлархон — 7-синфда, Жавлонбек эса 3-синфда аъло баҳоларга ўқишаяпти.

Мезбонимиз Фарҳоджон ғоят дилкаш, билим доираси кенг, лутфи шоирона суҳбатдош сифатида бизда яхши таассурот қолдирди. «Устозларнинг кечаги таърифи, Фарҳоджон хусусида тилларидан бол томиб сўйлашлари бежиз эмас экан, — ўйлайман ўзимча. — Қани энди барча зиёлилар шундай бўлса! Ахир, «Мен — муаллимман...» деб юрганлар ичида ҳам фикри саёз, дунёқараши тор ёхуд кенг қамровсиз, энг ёмони — бозор иқтисодиётининг ҳозирги мураккаб ўтиш давридан зорланиб, ўзларини савдосотиққа уриб кетган кимсалар озми?! Муаллимлик — ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай замонда ҳам обрўли касб. Унинг қадри ҳамиша юксак, баланд ва аъло бўлган! Фарҳоджон бу касбга нописандлик билан эмас, балки шарафли тақдир иши деб қараб, инчунун, кам бўлмапти. Кам бўлмайди ҳам!..»

Биз суҳбатимиз бошидаёқ, яъни салом-эликдан сўнг мезбонимиз Фарҳоджондан онаси Умид момони сўраштирдик. Соғлиги қалай — тетикми-бардамми, ҳол-аҳвол сўраган бўлдик.

— Раҳмат, азизлар! — деди у. — Оллога минг қатла шукр, онамиз тетик-бардам. Иншоолло, дуосини олиб биз, фарзандлар кам бўлмадик. Жигарим Қудрат Ҳайдаровнинг ҳам асли касби ўқитувчи, анча йиллар бошланғич таълимдан сабоқ берди. Ҳозир нафақада. Соғлиги энди тузук. 7 нафар фарзанди бор. Ўғли Мирзоҳиджон ҳам муаллим, бошланғич таълим бўйича мутахассис. Онамиз Қудратжон оиласи билан бирга яшайди. Насиб этса, эрталаб албатта кўнгил сўрашга ўтамиз. Ҳар куни одатим шу... Ҳозир у киши 74 ёшда. Отамиз Норқул Ҳайдаров урушга кетиб, минг афсуски, бағримизга қайтмади. Мен айни уч ёшда пайтлигимда, яъни 1944 йили фронтдан «қора хат» келган, холос.

Биз эртаси тонгданоқ иккиуч ҳовли нари Қудратжоннинг хонадонига ўтдик. Умид момо дастурхон бошида дуога қўл очди — барча-барчага омонлик тилади. Болажон ўзбек халқининг ҳар бир хонадонига, дастурхонига, деҳқончилигига Аллоҳи таолодан қут-барака сўрадитавалло айлади. Уруш йилларини ва фронт орқасидаги матонатли меҳнат жабҳаларини бирбир хотирлади. Ҳалоллик ва покдомонликни улуғлади. Бугунги кунларга шукроналар айтди. Умид момонинг умид тўла кўзларига қувончданми ёхуд олисларда қолган «исмсиз дард»ларириданми — ҳайтовур, сим-сим ёш келди.

Биз Умид момонинг умидли қўллари юзига тортган оқ фотиҳасини олиб, мактабга йўл олдик. Ҳар қадамда ўзбекона, яъни шарқона оҳорли бир калима: «Ассалому алайкум!» Саломга алик жоиз: «Ва алайкум ассалом!» Йўлда ногаҳон дуч келган кексаларнинг алиги чандон жозибали, эзгу: «Ва алайкум ассалом! Мулло бўлинг!» ёхуд «Қизларим, барака топинглар!»

Мана, биз манзил тутган Алишер Навоий номидаги мактаб, Дарвозадан киришимиз билан ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий сиймосига юзма-юз келдик. Шунда ногаҳон улуғ бобомизнинг «Умидим улдирки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энма-

Иқтисод сабоқлари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда ва мустақиллигимизни мустаҳкамлашда молия ва кредитнинг ролини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан яқинда Президентимиз И. А. Каримов раислигида ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 1996 йил биринчи ярмида иқтисодиётимизда эришилган муваффақиятларга якун ясалиб, молия ва кредит соҳасидаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга республикамиз кредит ва молия масалаларини, ўсиб бораётган заруриятларини кўзда тутиб, яқинда кредит-молия академияси ташкил қилиш ҳақида фармон эълон қилинганлиги эслатиб ўтилди.

Молия давлат ихтиёрида шаклланадиган марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари фондларини юзага келтириш ва улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатлар мажмуаси ҳисобланади. Молия таркибига бюджет, корхоналар молияси, солиқлар, суғурта ва бошқалар киради. Кредит молиядан фарқ қилади. **Кредит ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва муддат ўтгандан кейин қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларнинг йиғиндисидир.**

Молия муносабатларида ундирилган солиқлар солиқ тўловчиларга қайтариб берилмайди, давлат харажатларига сарфланади, Кредит муносабатларида эса асосан икки томон иштирок этади: биринчи томон қарз берувчи, иккинчи томон қарз олувчи. Молиядан фарқли ўлароқ олинган қарз яна қарз берувчига қайтариб берилади.

Кредит муносабатларини чуқур мулоҳаза қилиш учун биз унга тарихан ёндашишимиз мақсадга мувофиқдир.

Кредит муносабатлари ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида вужудга келиб, дастлаб натура билан (галла, чорва тарзида) мулкдорлар томонидан кредит бериш расм бўла бошлаган. Кейинги даврларда товар-пул муносабатларининг ривожланиши туфайли кредит пул шаклида берилиб, кредит муносабатлари натура шаклидан пул шаклига айланган. Бунда қарз сифатида берилган пуллар капитал сифатида эмас, балки тўлов ва харид воситаси сифатида ишлатилган: махсус ўзи тўпланган жамғарма асосида кредит беадиган судхўрлар вужудга кела бошлаган. Судхўрлар томонидан бериладиган қарзни расмийлаштириш хусусиятлари шундан иборатки, берилган қарз юзасидан жуда катта миқдорда фоиз (ҳақ) олинадиган бўлди. Фоиз даражаси турли мамлакатларда, ҳатто бир мамлакат таркибидаги шаҳар ва туманларда турли даражада бўлди. Бундан ташқари судхўр фоиздан ташқари қарз олувчидан қўшимча имкониятлар яратилишини талаб қиладиган ҳам бўлди. Бадиий адабиётда биринчилардан бўлиб, судхўр образи француз ёзувчиси Бальзак томонидан яратилган. Ҳамюртимиз С. Айний томонидан яратилган «Судхўрнинг ўлими» асари ўзининг мазмуни, образ ифодаси жиҳатидан Бальзак асаридан ўтиб кетган десак янглишмаган бўламиз. Буни Ўзбекистонга ташриф буюрган француз ёзувчилари ҳам эътироф этишган.

Қарз олувчидан олинадиган фоизлар жиҳатидан турли мамлакатлардаги судхўрлар бир-бири билан мусобақалашганлар. Майда ишлаб чиқарувчиларга берилган кредит фақат бир қисмини узлаштириш имкониятини берган. Натижада кўплаб майда ишлаб чиқарувчилар хонавайрон бўлганлар. Бу эса, иккинчи томондан, капиталнинг дастлабки жамғарилиши учун зарур маблағларнинг шаклланишига ёрдам берган.

Судхўрлар хизматидан ҳукмдор синфларнинг вакиллари пулга муҳтож бўлганларида фойдаланганлар. Бунга француз подшоларидан бирининг Дефицит исмли турмуш ўртоғи зебу зийнат, турли бежирим кийимбош, пойабзал, беҳисоб залларга эга бўлган саройлар қурдиришга берилиб кетиб, давлатни оғир молиявий аҳволга тушириб қўйгани мисол бўлади. Бюджет дефицитни (камомадни) қоплаш учун судхўрлардан қарз олинган. Шундан бери бюджетдаги тақчиллик Дефицитхоним шарафига дефицит деб атала бошлаган.

Капитализмгача мавжуд кредит муносабатларининг хусусиятлари уларнинг ишлаб чиқариш билан етарли боғланмаганлиги эди. Капиталистик муносабатларни ривожлантиришда кредит муҳим роль ўйнади. Кредит фақат саноат соҳасидагина эмас, балки хизмат кўрсатиш, савдо соҳаларига ҳам хизмат қила бошлади.

Аввало кредитнинг вужудга келиши учун тегишли шарт-шароит шаклланиши лозим. Унинг объекти ҳар қандай пул эмас, балки вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир. Ишлатилмаётган пуллар уч хил бўлиши мумкин:

1. Катта пулдор ёки тадбиркорлар ихтиёридаги пул.

2. Аҳоли ихтиёрида навбатдаги эҳтиёжни қондириш (масалан, тўй қилиш, келин тушириш, иморат қуриш учун) тўпланадиган пул.

3. Давлат ихтиёридаги ёки вақтинча давлат корхоналари ихтиёридаги тўпланадиган пуллар.

Бу маблағлар ҳаммаси ссуда (қарз бериш) учун манба бўлади. Банкларнинг вазифаси фақат пул маблағларини тўплаш эмас. **Ҳозирги замон маъносида банк пул маблағларини тўплайдиган ва жамғарадиган, унинг ҳисобидан кредит берадиган, вексель учети ва пул ҳисобларини олиб борадиган, пул ва қимматбаҳо қоғозлар чиқарадиган, олтин ва чет эл валютаси билан операциялар олиб борадиган, хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ олиб боришда ёрдам берадиган ташкилотдир.**

Банкларнинг биз юқорида қайд этган тараққиёт механизми қулчилик жамияти шароитида куртак ота бошлади. Дастлаб ибодатхоналар пулларни сақлаб бериш, бир мамлакат пулини иккинчи мамлакат пулига алмаштириш билан шуғуллана бошладилар. Сунг эса банклар Италияда, Германияда, Голландияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида капитализм тараққиётига мослашув хизмат қила бошлади. Банкнинг ҳозирги тамойиллари эса XVII асрда Англия ва бошқа мамлакатларда кенг ёйилди ва ундан Россияга ҳам ўтди.

Узбекистон ҳудудида дастлабки кредит берувчи муассаса 1875 йилда ташкил қилинган. У Россия империяси Давлат банкининг Тошкент филиали сифатида иш кўра бошлаган. Уша йили биринчи омонат касса ҳам очилган. Марказий Осиёда чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг такомиллашиб бориши натижасида банк муассасалари шохобчалари кенгая бошлади. 1880 йилда К. Глинка Янчевский муассасалари банклар уйи ишга тушди. 1881 йилдан 1909 йилгача Урта Осиё акционерлик банки фаолият кўрсатди. Уша йилларда Волга—Кама банки, 1903 йилда эса Россия—Хитой банкларининг бўлимлари очилди. 1910 йилда Азов—Дон савдо банкининг Тошкент бўлими ташкил қилинди. Бундан ташқари Бухоро ва Қўқон шаҳарларида Россия банкларининг тегишли бўлимлари ҳам очилди.

XX аср бошларида банклар операцияларининг асосий қисмини пахта хом ашёсини сотиб олиш ташкил этди. Бунинг эвазига Россиядан керакли моллар келтирилди. Бу олди-сотди операциялари фақат Ўрта Осиё шаҳарлари уртасидаги иқтисодий муносабатларнигина эмас, балки Россия империясининг шаҳарлари, ҳатто Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқнинг кенгайиши ва ривожланишига ёрдам берди. Озиқ-овқат, ёғ-мой, пахта тозалаш, совунгарчилик ва бошқа тармоқлар, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки ишлаш корхоналарига юқорида кўрсатилган банклар кўплаб маблағ ажратди. Москва ва Петербург банклари ҳам пахта саноатига пахтани қайта ишлашни ташкил қилиш орқали чет эл капитали билан биргаликда фаол қатнаша бошладилар. Банк капиталининг саноат капитали билан қўшилиши аста-секин содир бўла бошлади.

1917 йил Октябрь тўнтарилишидан кейин барча банклар миллийлаштирилиб, давлат ихтиёрига ўтди. Республикадаги янги банк тизими мустамлакачилик сиёсатини янги шароитларда амалга ошириш мақсадларига хизмат қила бошлади. Лекин янги иқтисодий сиёсатнинг биринчи даврларида майда товар ишлаб чиқарувчиларга кредит бериш бир қадар тараққий қилган бўлса ҳам, кейинчалик хусусий секторга қарши қураш шароитида Давлат банки бўлимлари билан биргаликда мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилди. 1924 йилда ташкил қилинган Ўрта Осиё тижорат банки ҳам кредит соҳасида ана шу сиёсат талаблари асосида иш олиб борди. 1930 йил кредит ислоҳотидан кейин тижорат кредити тўғри банк кредити билан алмаштирилиб, хусусий тадбиркорларга кредит бериш тўхтатилди. 1930 йилдан кейинги даврларда республика ҳудудидаги Россия (СССР) Марказий банки ва бошқа банкларнинг бўлимлари республикамиз табиий бойликларидан Россия учун самарали фойдаланиш мақсадида пахтани қайта ишлаш, ипакчилик, қоракўлчилик, газ саноати ва бошқа йўналишларга кўпроқ кредит ресурслари ажратиб, бизнинг бойликларимиздан бошқа республикалар манфаатларини кўзлаб, ўзларининг мустамлакачилик ишларини кенгайтириб бордилар.

Узбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиздаги илгариги мавжуд банклар ўз ишларини қайта кўриб мустақил банк тизимига бирлашдилар. Утган беш йил ичида республикамиз банкларининг самарали ишлашлари натижасида банклар етарли тажриба тўпладилар. Яқинда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолиятлари ҳақида»ги Республика қонунида банкларни бошқариш ҳақида умумий қоидалар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, операциялари, чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар, банкларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, банк мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳисоб-китоб ва назорат масалалари кўзда тутилган.

(Давоми бор).

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Хотира

ОТАШҚАЛБ МАЪРИФАТЧИ

Муаллимлар тайёрлаш билим юртини тугаллаб, 1930 йилдан бошлаб Пискент туманидаги бошланғич мактабларда ўқитувчилик қилган Исломхон Асроров ҳаёт бўлганида 82 ёшга тўлган бўларди. У киши 1930 йилдан 1975 йилгача ўтган 45 йил давомида халқ маорифининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшган устоз, заҳматкаш маърифатчилардан бири эди.

Исломхон Асроров 1987 йилда Тошкент шаҳрида икки йиллик ўқитувчилар институтининг математика факультетини тамомлади. Бир йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ўқитувчилик қилиб қайтгач, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги мактабларнинг бирида давом эттирди.

Ўз мутахассислигини пухта эгаллаган устоз-муаллим кейинчалик меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Пискент туманида давом эттирди.

У 30 йил давомида Пискент шаҳридаги Ҳамза номли 1-ўрта мактабда аввал математика ўқитувчиси, кейинчалик директор бўлиб ишлади.

Мактабда ўзи ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга бошқа фан ўқитувчиларидан ҳам шундай йўл тутишни талаб қилди. Мактабда таълим-тарбия ишлари талаблар даражасида ташкил этилганлигидан битирувчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида тахсил олишни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Шу нарса, айниқса, қувончлики, мактабни тамомлаганлардан 34 нафари фан номзодлари, 8 нафари фан докторлари бўлиб етишдилар.

Исломхон Асроров умр йўлдоши Валияхон опа билан биргаликда фарзандларини жамиятимиз учун фидокор ва меҳнаткаш инсонлар қилиб тарбиялашди.

Тўнғич ўғиллари Исроилхон — техника фанлари номзоди, политехника дорилфунунининг доценти, Зафархон эса биология фанлари номзоди, биохимия илмий-текшириш олий билимгоҳида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Марғилон шаҳрида пазандалик билим юртини тамомлаган Иброҳимхон Олмалиқ шаҳридаги ошхоналардан бирида пазандаларга етакчилик қилмоқда. Мўминхон Тошкент давлат дорилфунунининг физика факультетини битириб, шу соҳа бўйича илмий иш олиб бормоқда.

Халқ хўжалиги олий билимгоҳининг иқтисодий планлаштириш факультетини тугатган Маннонхон ҳозирги вақтда туман давлат назорати қўмитасида инспектор бўлиб ишламоқда. Ўрта Осиё педиатрия олий билимгоҳини тамомлаган Василахон туман болалар поликлиникасида шифокорлик қилмоқда.

Заҳматкаш маърифатчининг кўп йиллик самарали меҳнати юқори баҳоланиб, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат фахрийси» медаллари билан мукофотланган ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилган эди.

Ажойиб инсоннинг номини абадийлаштириш мақсадида Пискент шаҳар ҳокимлиги унинг оиласи истиқомат қилаётган кўчани Исломхон Асроров номи билан аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

Устоз педагог жисман орамизда йўқ бўлса-да, унинг хотираси кўп сонли эътиқодли шогирдлари, ҳамкасблари, барча пискентликлар қалбида абадий яшайди.

Мажид САМАДОВ,
Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

В. Қ.: — Дарҳақиқат, назарий ва амалий механика китобларида инерция қонуни тўғри чизиқли ҳаракат учун таърифланади-да, айланма ҳаракатларда ҳам ишлатилаверади. Инерция моментининг номи ҳам шу нарсани кўрсатиб турибди. Масалага яна кенгроқ қарасак, «фикр инерцияси»ни айтмайсанми. Энди нима бўлди, фикр тўғри чизиққа киradими ёки эгри чизиққа?

О. Ф.: — Фикр инерцияси ҳақида мен ҳам кўп ўйлаганман-ку, лекин саволни бундай қўйилишини биринчи марта эшитяпман. Менимча, «инерция қонунига» ва «инерцияга» таъриф берсак, масала ойдинлашади. Инерция қонуни: агар ҳаракатдаги жисмга таъсир этаётган кучни олиб қўйсак, ҳаракат бир хил тезликда давом этаверади. Бу қонунни айланма ҳаракат учун тадбиқ этса ҳам хато бўлмайди. Лекин бу иккала ҳол ҳам аслида табиатда йўқ, абстракцияда бор, яъни мавҳум тасаввурда инерция — амалга ошган сифат ташқи таъсир этгунича ўзини сақлаб қолади ва ташқи таъсир эта бошлаши билан унга қаршилик кўрсатиш билан мавжуд бўлади. Ана шунда «инерция» тушунчаси механика доирасидан четга чиқиб, фалсафа категориясига айланади.

В. Қ.: — Фалсафа доирасига ўтишдан олдин механика ҳақидаги фикрларни охиригача фойдали иш бўлур эди. Механикада санаб ўтилган соҳалар фанда инқилобий ўзгаришларга олиб келди.

О. Ф.: — Ҳақиқатан ҳам фанда эволюциядан ташқари революция ҳам керак. Масалан, Ал-Хоразмий алгебраси, Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Энштейннинг ноньютон механикаси — булар фандаги инқилобдир. Ньютоннинг классик механикаси, шу билан бирга ўша сен айтган ҳар хил амалий механикаларнинг назарий асоси квант ва нисбийлик механикаларининг тарихий ва мантиқий асослари десак бўлади. Бизнинг асримизда қилиш учун бир қанча жараёнларни муайян кетма-кет равишда бажаришда бажариладиган қонун-қоидалар мажмуидир. «Алгоритм» тушунчаси-ю ҳисоблаш усулининг математика ва кибернетикадаги роли ҳақида иккаламиз Жаҳон илмий конгрессида (1971 й.) маъруза қилган эдик, ўшандан бери анча вақт ўтибди. Шу муаммо ҳақида ҳам бир фикрлашиб олайлик.

О. Ф.: — Яхши. Сенда ҳам анча фикрлар, тушунтиришлар тўпланиб қолгандир. Мен сен билан яна маслаҳатлашмоқчиман. Бобокалонимиз Муҳаммад Ал-Хоразмий илмий ижодининг йиллик отахонидир. Аҳмад Ал Фарғоний жаҳон астрономларига биринчи «Астрономия дарслиги»ни ва стереографик проекция назариясини ҳадя этган; Улуғбек ва унинг математика-астрономия илмий мактаби жаҳонда биринчи бўлиб илмий астрономия обсерваториясини, Ой ҳаракатининг назариясини, «пи» ва 1о нинг синуси ниҳоятда нозик қийматларини фанга қўшди. Муҳаммад Ал Хоразмий эса, қисқа қилиб айтсак, бундан ўн икки аср илгари жаҳонда биринчи бўлиб алгебра фанини кашф этди, амалиётга ўзининг ўнлик ҳисобини киритди ва ўзидан ўн икки аср кейин, яъни бизнинг замонамизда кашф этилган кибернетика, компьютерлаштириш, алгоритмлаштиришнинг тарихий ва мантиқий замини ҳисобланаётган «алгоритм», алгоритмик тилларга ва алгоритмлаштиришга асос солди.

Восил ҚОБУЛОВ,
Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ҲАЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ АЛГОРИТМЛАРИ

(илмий мулоқот)

В. Қ.: — Сен Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр» рисоласини яхши биласан. Бу ўша рисолада мерос, маҳр бўлиш ҳақида жуда кўп масалалар қўйилган ва ечилган. Булар табиий тилда, одам тилида битилган. Мен буларнинг ҳаммасига белгилар киритиб, уларни ҳисоблаш машиналари тилига, сунъий тилга ўтказишга ҳаракат қилдим, натижадан эса ҳайратда қолдим. Сўзлар ўрнига кетма-кет математик белгилар қўйилиб чиқилса, аввал керакли тенглама келиб чиқар, кейин ечими олинар экан. Ҳозирги замон кибернетикасида одамзот гапларини машинага «тушунтириш» энг қийин муаммо бўлиб қолди. Агар Ал-Хоразмий талаффузига ўтсак, бу масала ҳам осон ҳал бўлар эди. Халқ хўжалигимизни ва илмий изланишларни ривожлантиришимизда алгоритмлар назарияси ва амалиётининг аҳамияти ниҳоятда катта. Бу эса Ал-Хоразмий меросини ўрганиш ҳали давом этиши, янги-янги асарлар ёзилишини тақозо этади.

(Давоми бор).

СУРАТДА: О. Файзуллаев ва В. Қобулов.

Соғлом авлод учун

«ОЛТИН»ЛАРИ

авлод учун» ордени соҳиби Фарҳод Норқулов хусусида сўз...

гай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай», деган башорати едимизга тушди. Демак, Навоийнинг руҳи қўллабдики, мактаб раҳбарининг эл орасида мартабаси — ҳурмат-эътибори баланд. Катта даргоҳ жамоасининг ҳам ишлари шунга яраша... Ва шундайлигига биз ишонч ҳосил қилдик.

Фарҳоджоннинг ҳаёт ва фаолият йўллари яхши маънода чувалашиб кетган, десак — муболаға бўлмайди. У 1959 йили А. Навоий номли 4-ўрта мактабни фатида элнинг олқишини олди. Тап-тақир чим устида мактаб биноси қад ростлади. 1978 йилдан то 1990 йилгача 15 ва 55-мактабларда директор бўлиб ишлади. У қаерда фаолият кўрсатмасин, ишларни намунали йўлга қўйди, таълим-тарбия жараёнини юқори савияга кўтарди. Бу давр ичида елиб-югуриб, ташкилотчилик кўрсатиб, талай хайрли ишларга ва тадбирларга бош-қош бўлди. Ҳар икки мактабда ҳам қўшимча дарс хоналари, спорт заллари қурилди. Халқ таълимини ривожлади. Ишонч — қувват ва ғайрат-шижоат бағишлади. Энди ишларимиз ёмон эмас...

Айтиш мумкинки, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, ажойиб мураббий ва устоз Фарҳод Норқуловнинг ҳаётда топган тиллолари кўп. Унинг Алишер Навоий номидаги 4-ўрта мактабда 628 нафар тиллодан аъло болажонлари бор. Шу мактаб тасарруфидаги филиал-йўлдош мактабда эса 160 нафар қора кўз — ўғил-қизлар таҳсил олишмоқда. Педагоглар жамоасининг узи 100 нафарга яқин. Демак, энг давлатманд киши. Бу — қаҳрамонимиз Фарҳод Норқуловдир. Бунга шогирдларинг ҳам қўшсак борми, унинг маънан лак-лак бойлигини узингиз тасаввур қилаверинг. Чунончи, 15-таянч мактаб директори Собиржон Аҳмедов, 65-ўрта мактаб директори Умаржон Тухтамишев, 15-ўрта мактаб директори Неъматжон Шаропов, 10-мактаб илмий бўлими мудири Мансур Равшанов... Э-ҳе, бу руйхатни яна давом эттириш мумкин. Фарҳоджон билан бирга бир мактабда фаолият кўрсатаётган шогирдлари ҳам талайгина. Мактаб илмий бўлим мудири, математика фани ўқитувчиси Сайдиамир Бозоров, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ўроз Дустмуродов, бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири, жўғрофия фани ўқитувчиси Шодиёр Туйғунов ва бошқалар шулар сирасига киради.

— Шогирдларим — қанотларим, — фахр-ғурур билан сўз айтади директор. — Шулар бор, ишлар доимо олға кетади. Биз мактабда ўқитиш жараёнини энг замонавий усулларда ташкил этишга бутун диққат-эътиборимизни қаратаяпмиз. Саъй-ҳаракатимиз туфайли 1992 йили бу ерга 10 та ЭҲМ ускуналари олиб келинди. Алоҳида ЭҲМ ўқув хонаси ташкил этилган. Ҳатто қўшни мактаблардан ўқувчилар келиб сабоқ олишади. 2 та махсус бошланғич синф хоналари мавжуд. Ҳар бир ўқувчи учун электрон ҳисоблаш техникаси ажратилган. Мактабимизда инглиз тилини ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни чоғда 6, 7, 8-синф ўқувчилари бу тилда ёзиш ва гаплашишга анчайин қуникма ҳосил қилишган. Қарийб икки йилдирки, 3-синфда дарслар туғридан-туғри лотин алифбосида ўқитилмоқда. Мактабда лотин ёзувида ўқитишнинг қамровини тобора ошираяпмиз. Бунда, айниқса, Моҳинур Бозорова, Ойдин Ғиёсова ва бошқалар фаоллик кўрсатишмоқда. Бизда «Қимнинг кўргазмали қуроли кўп?» мусобақасини ўтказиб туриш анъанага айланган. Шу ўринда Назира Холмуродова, Венера Худойназарова, Нигора Дадаеваларнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олиб ўтиш жоиз. Уларнинг 6 мингдан то 7,5 мингтагача кўргазма қуроллари мавжуд. Шунингдек меҳнат ўқитувчиси Муқаддас Бозорова, тарих фани ўқитувчиси Саломат Муминова, чет тили фани ўқитувчиси Зайниддин Бозоров сингари олий ва биринчи тоифадаги ўқитувчиларимиз ҳам фаолиятимиз қамровини оширишда ташаббускорлар сафида боришаяпти. Ҳар қалай, бундай ибратли мисоллар талайгина... Тағин буларни мақтанишга йўйманг — би-р... фахрланганимдан, қувонганимдан айтдим-да!

Ҳа, айтганча, мактаб саҳни камида 3 гектарни ташкил этади. Ҳовлидаги боғ анча майдонга эга. Олма, беҳи, ёнғоқ — мевали дарахтларнинг ҳамма туридан бор. Уч йилдирки, мактаб жамоаси 80 сотих ерда деҳқончилик қилишмоқда. Улар ҳар йили бугдойдан мўл-қўл ҳосил олишмоқда. Улардан келадиган даромад эса ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга ва мактабнинг бошқа эҳтиёжларига сарфланмоқда. Кўпгина ўқитувчи ва ходимлар ҳосилдан уз улушларини олишди. Илло, кўпнинг хирмонида барака бор!

Шу куни биз ўқувчи-ёшлар билан ҳам муҳтасаргина суҳбатлашдик. Улар баҳор дарёсидай шиддатли ва ўктам даврани кенг олишди. Устозларининг шаънига илиқ гаплар айтишди. Шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар билан аҳён-аҳён бўлса-да, учрашувлар ташкил этилишини орзу маъносида баён этишди. Биз уларнинг таклифини бажону дил қабул қилдик. Мактабнинг катта ва муҳташам залида шеърий сатрлар янгради. Уларнинг севимли устози Фарҳод Норқулов эса болажонлар қанчалик шодланса, у ҳам ўн чандон, балки юз чандон хушнуд кайфиятда даврага қўр солиб ўтирди. Ким билади дейсиз шу тобда унинг хаёлидан нималар кечди экан?! Балки заҳматларда кечган болалигининг шиддатли ва бетизгин дарёси қалбидан шу лаҳзаларда, хотирасини яна бир бор жонлантириб, сим-сим оқиб ўтгандир?! Шубҳасизки, устоз Фарҳод Норқулов ҳозиргина кечган қайси бир дақиқалардан сўнг соғлом авлодлар келажагини хаёлида жонлантираяпти! Ҳа, ҳа, шундай! Дарвоқе, истиқлол ва истиқбол нурлари қалбини қуёшдай ёритаётган ва иситаётган бўлса, не ажаб!!!

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

Мактаб ва иқтисод

ҚЎШ ТЕГИРМОНЛИ МАКТАБ

Қўшқул — Қамаши туманидаги Лангар жамоа хўжалигининг Майманоқ тоғларидан ҳам юқорирофида, шундоққина улкан тоғ қоялари биқинида жойлашган тақрорланмас табиатга эга бўлган бир қишлоқ. Ҳамроҳим, — Қамаши тумани халқ таълими бўлими мудири Хайрулло ака Абдилазизов билан биргаликда шу қишлоқдаги 9-ўрта мактабга қадам ранжида қилдик. Шарқираб оқаётган тоғ дарёсининг соҳилидаги сўлим боғ орасида жойлашган бу илм масканида янги ўқув йилида 272 нафар тоғ болалари ўз она тиллари — тожик тилида сабоқ олишмоқда. Уларга 34 нафар муаллим илму-одоб ўргатаётир...

Мен мактаб остонасини ҳатлаб киришимиз билан рўпарадаги ўта дид ва меҳр билан бунёд этилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?..» деб номланган бурчакни кўриб руҳланиб кетдим. Қаранг, қанчалик дилбар сатрлар битилган: «Мен шу буюк ватан фарзанди эканман, ватаним учун, элим учун, юртим учун ёниб хизмат қиламан...»

Мактабда амалга оширилаётган ишлардан кўнглимиз чоғ бўлди, жамоа аъзоларига, уларнинг содда ва камтарин раҳбари, мактаб директори Мейли ака Ҳожиевга, қишлоқ кайвониларига раҳмат айтдик.

Муаллимлар ва ота-оналар ҳамкорликда ҳашар йўли билан 5 хонали бинойидек янги бино қуриб, тахт қилишибди. Мана, янги ўқув йилидан бошлаб мактабда синфхоналар тақчиллигига барҳам берилди.

Яна бир янгилик. Мактаб жамоаси аввалига «электртегирмон» қуришибди. Бунинг нимаси ёмон. Маҳаллий аҳоли дон -дунини узоқ қишлоқларга ортиб юрмасдан мактаб тегирмонида тортиб кетаверади. Мактабгаям «қўшимча даромад» деганларидай. Бироқ мактаб жамоасига «электр тегирмон» кўпам маъқул бўлавермади. Нега дейсизми? «Эшагидан тушови қиммат» дегандай ҳали чироқ ўчиб қолади, ҳали «бир балоси» куйиб кетади... Жамоа аъзолари биргаликда ҳаракат қилишиб, ўтган ўқув йилида мактаб ҳовлисида «сув тегирмон» қуриб олишди. «Сув тегирмон» ҳашар йўлида қурилди, деярли харажат бўлмади ҳисоб. Мактаб тегирмони бенуқсон ишлаяпти. У бир соатда 50 килограмм бугдойни ун қилади... Даромад ҳам ёмон эмас. «Сув тегирмон»дан келган фойда ҳисобига бу йил мактаб таъмирланди.

Хуллас, Қатрада қуёш акс эттанидек, тоғлар орасида жойлашган гўзал Қўшқул қишлоғида ҳам янгиланиш, қадриятларимизни қайтариш каби шу кунимизнинг долзарб ишлари амалга оширилмоқда...

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

ЭРТАГА — ФИНАЛ!

Еттмишинчи йилларнинг бошларида ҳассос шоирларимиздан бири: «Бизлардан чиқмади сира чемпион», дея куйиниб ёзганди. Миллий спортга эътибор берилмаётган, миллий спортчилар собиқ Марказ назаридан четда қолиб юрган даврларда бу сўзлар кўнглимиздан бот-бот ўтганлиги рост.

Не бахтки, юрт истиқлоли миллий спортимизни ҳам уйғотди, унинг қаддини кўтарди. Спортчиларимиз жаҳон саҳналарида Ўзбекистон шаънини ҳимоя қила бошлади. Уларнинг ғалабаси шарафига тупроғимиздан узоқ манзилларда қону жонимиздан яралган байроғимиз ҳилпираб, мадҳиямиз янграганда кўзларимиз севинчдан ёшланди. Бундай қувончли лаҳзалар айниқса, Японияниг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари вақтида тез-тез такрорланиб турди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг спортга муносабати ҳаммага маълум. Бундай муносабат ҳар томонлама намоён бўлмоқда. Юрт истиқлолга эришгач, мамлакатимизда қабул қилинган дастлабки Қонунлардан бири— жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида бўлди. Хусусан, катта теннис ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётир. Буни ўтган даврда Андижон, Наманган, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида қурилган замонавий теннис кортларидан ҳам билса бўлади. Лўнда қилиб айтганда, «Президент кубоги» халқаро турнири йилдан-йилга маҳоратли ракетка усталарини ўз атрофига жамламоқда.

***

Мусобақалар давом этмоқда. Мамлакатимизнинг биринчи ракетка соҳиби Олег Огородов ҳозирги кунда таснифнинг 120 поғонасига кўтарилган. У кортда италиялик теннисчи Фабио Маггини ҳам қийинчилик билан бўлсада енгди. Дастлабки сетда Олегнинг ҳаяжонланаётгани шундоққина сезилиб турди. Натижада 3,4,5,6 гейимларида қаторасида ютқазиб қўйди. Ниҳоят 6 гейимдан кейингина ўзини қўлга олиб, қийинчилик билан бўлса-да рақиби устидан ғалаба қозонди. —6:4, 7:6.

Энг ёш теннисчимиз ПТА руйхатида 618 ўринни эгаллаб турган Вадим Куценко италиялик Лауренсе Тиеламандан устун келди.— 6:2, 6:2.

«Кремль кубоги» турнирининг ғолиби Черкасов «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этяпти. У дастлаб франциялик Стефан Хьюни, кейинги босқичда эса словакиялик Мартин Хроманни катта қийинчилик билан енгди. Бироқ у франциялик Фонтэга ютқазиб қўйди. — 1:6, 6:3, 6:2.

Умуман, «Президент кубоги» учун давом этаётган халқаро теннис турнирининг яккалик баҳслари бўйича 1/16 финал ўйинлари поёнига етди. Унда бир йўла 3 нафар теннисчимизнинг нимчорак финалига йўлланмани қўлга киритганлигини кўриб, қувонгандик. Афсуски, ҳал қилувчи жуфтлик баҳсларида уларга омад кулиб боқмади. Томашевич— Мантилла — 1:6, 3:6, Куценко — Хангуев (Италия) 3:6, 2:6, Олег Огородов — Мерин (Испания) 2:6, 6:3, 2:6.

1994 йил	1995 йил	1996 йил
Чак Адамс	Карим Алами	?

Жуфтлик баҳсида эса фақат Ғаниев — Села (Испания) жуфтлигини 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Томашевич — Куценко чорак финалга чиқди. Ўтказилган жуфтлик баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди. Фурмански, Родети — Мазр, Кокурин 6:4, 7:5. Черкасов, Тилеман — Альварес, Гроен — 7:4, 6:4, 6:4. Анкес, Хют — Огородов, Станойчев — 1:6, 5:1, 6:1. Магги, Марин — Фонтэ, Гордиола — 6:4, 4:6, 7:5.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА: Фредерик Фонтанг (Франция) ва Ларс Ройман (Германия)нинг ярим финалга чиққанлиги маълум бўлди.

Жуфтлик баҳсларида эса ҳамюртларимиз Вадим Куценко — Дмитрий Томашевич ярим финалга чиқди.

Эртага мусобақанинг финал босқичи бўлиб ўтди.

«АТР» РЕЙТИНГИ

Бу рейтингни белгилашда жаҳондаги теннисчиларнинг турли мусобақалардан йиққан очколарига таянилади. Дейлик, «Президент кубоги»да ғолиб чиққан ўйинчи 18000 АҚШ долларидан ташқари 100 очкога ҳам эга бўлади. Қуйида «Президент кубоги» турнирининг биринчи ракеткаси Феликс Мантиллагача бўлган (1996 йил 19 августга қадар) «АТР» рейтингини эълон қиламиз.

№	Ўйинчилар номи	очко
1.	Пит Сампрас	4318
2.	Томас Мустер	3722
3.	Майкл Чанг	3522
4.	Евгений Кафелников	3178
5.	Борис Беккер	3091
6.	Горан Иванишевич	2831
7.	Ричард Кражисек	2434
8.	Андре Агасси	2399
9.	Жим Курье	2337
10.	Вейн Феррейра	2334
11.	Риос Марсело	1954
12.	Меливал Вэшингтэн	1898
13.	Тодд Мартин	1667
14.	Томас Энгквист	1662
15.	Алберто Коста	1633
16.	Феликс Мантилла	1526



Олег Огородов. «Президент кубоги» халқаро турнирининг 2-ракеткаси, «АТР» рейтингида 120 ўринда.

Ўзбекистон тенниси келажаклари.

ИККИ ЮЗЛИКДАГИ ЎЙИНЧИЛАР

«АТР» рейтингининг ўн олти нафарини эътиборингизга ҳавола қилдик. Бу рўйхатни мингача давом эттириш мумкин. Бироқ бу мингликнинг икки юзлигига кирган ва ҳозир «Президент кубоги» учун курашаётган саккиз нафар ўйинчининг ўша рейтингдаги ўринларини санаймиз. Демак, Ф. Мантилла 16-ўринда, О. Огородов 120, Е. Алварез 123, М. Чаршентиер 135, А. Черкасов 144, Л. Тиелмен 187, А. Саволт 191, А. Портас эса 193-ўриндадир.

ТЕННИСЧИ БОЛАЛАРГА СОВҒА

Юнусободдаги жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган муҳташам ўйингоҳда «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро теннис мусобақаси қизғин паллага кирди. Бу ерга бири-биридан қизиқарли, ҳаяжонли ўйинларни томоша қилиш учун келган мухлислар орасида мактаб ўқувчиларининг ҳам борлиги қувончли ҳолдир, албатта. Ана шу турнирнинг иккинчи куни «Президент кубоги» мусобақаларининг ташкилотчиларидан бири, таниқли бизнесчи, «АГП — тур ЛТД» Швейцария фирмасининг президенти жаноб Сосон Какшури ва «Вильсон» фирмаси вакиллари катта теннисга ҳавас қўйган болаларга турли-туман совғалар — теннис коптоклари, ракеткалар, турнир рамзи туширилган бош кийимлар, футболкалар ва турли ширинликлар улашишди. Биз совға олиб улгурган болакайларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

—Ўзим теннисга жуда ҳам қизиқаман, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 49-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Соҳибжон Толипов. — Бу ерга машҳур ўйинчилар келганидан хабардорман. Уларнинг ўйинларини томоша қилиш учун келганман.

— Сенга нима совға қилишди?

— Ракетка.

— Теннис ўйнашни биласанми?

— Бўлмасам-чи? Мана, тўрт йилдирки, «Динамо» теннис клубига қатнайман. Устозим Игорь Бобоковдан катта теннисниг сир-асрорларини қунт билан ўрганаяпман.

Келажакда ким бўлмоқчисан, деган саволимизга Соҳибжон ҳеч иккиланмасдан теннисчи бўламан, деб жавоб берди.

— Қулингдаги нима? — атайлаб билмасликка олиб савол бераман ўзини Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси деб таништирган болакайдан.

— Кўриб турибсиз-ку, ахир, бу ракетка-ку.

— Теннис билан шуғулланганингга кўп бўлдими?

— 7 ёшимдан бери шуғулланаман.

— Спортнинг бу тури зерикарли эмасми?

— Йўқ, асло.

— Теннисга, машқларга қанча вақт сарфлайсан?

— Кунига 3-4 соат.

Сирасини айтганда, спортга, хусусан, теннисга муҳаббат қўйган болаларимизни унча-мунча нарса йўлдан оздиролмаса керак. Негаки, у чинакамига соғлом, бақувват бўлиб етишади. Бу ерда ўтаётган қизиқарли мусобақаларни ўз кўзи билан кўрган бола бундан буёғига турли хил ширинликлар ўрнига ракетка, теннис коптоклари талаб қилса ажаб эмас. Ўйлаймизки, улар келгусида катта спортимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Материалларни Улуғбек ЖУМАЕВ тайёрлади.



Ўйинлар жуда шиддаткор ўтмоқда Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

«ЮБИЛЯР»НИНГ ПАРТАСИ

(ҳажвия)

Мактабдан таклиф қоғози келди. Яна кимга денг? Оппоқ отнинг қора қашқасидай бўлиб танилган, еттинчи «б» синфининг ҳуснбузари Уткиралига! Ана сизга фавқулодда ҳодиса! Бу таклифнома таътил тугаб, эртага ўқиш, деганда унинг қулига тегди. Бошқа биронта бола ўқиб қолса борми, ҳасаду аламидан тиришиб қолиши аниқ. Аммо, ўзиям ҳеч нарсага тушунолмай қолгани учун «таклиф қоғози»ни биронтасига кўрсатмади.

«Қимматли Уткирали Киркаев! — деб ёзилганди унда, — мактаб маъмурияти сизнинг юбилейингизни тантанали ўтказишга қарор қилди. Биринчи ўқиш кунига кечикмай келишингизни утиниб илтимос қиламиз! 23-ўрта мактаб маъмурияти».

Бор гап шу! Қизиқ, нимага айнан унинг юбилейи? Одатда юбилей деганлари бирон кишининг узоқ йиллар давомидаги зўр фаолияти сабабли ўтказиларди. Уткиралининг қандай фаолияти борлиги-ку, ҳаммага кино эълоннамасидай аён. Тағин, утиниб сўраганлиги нимаси?!

— Э-ҳа, — бирдан ёдимга тушиб суюниб кетди у, — маданият уйига қатнаб рубоб чалишни ўргана бошлаганим ҳақида хабар топишган. Мактабда бир ашула айттириб қуришмоқчидир-да? Айтиб бўпман!.. Биронта тузукроқ ашула билсам айтаман-да. Ҳали чалишни ўрганолмаган бўлсам...

Эртасига Киркаев мактабига келгунича не хаёлларга бормади. Эндигина осмондан тушган фазогири кутгандай кутиб олишсая?! Қучоғи гулларга тўлиб кетади. Ҳамма қарсак чалиб, унга йўл бўшатишади. Майда синф ўқувчилари юбилярни кўриб қолиш учун интилишади, оёқлар тагида уралашишади.

— Вуй, Насимбойнинг акаси-ку? —дейди укаси билан уқийдиган болакайлар.

— Ана, укасиям келяпти!..

Орқасида укасиям Уткирнинг... Йўқ, йўқ, Уткирали Киркаевнинг, туғрироғи, Уткирали Киркаевичнинг сумкасини кутариб олганича, кеккайиб келади...

Шу пайт боши «гурс» этиб бир нарсага урилди. Қараса... Хаёли қурсин! Паришонликдан йўл четидаги симёғочга келиб урилибди. Атрофига англаб қаради. Вой-бўй, энди шу ерга етиб келдими? Яна кеч қоладиган бўлди-да. Эс-ҳушини тўплаб, кучининг борича мактабига қараб чопди. Барибир кеч қолиб кириб борибди. Йиғилиш тугаб, энди тарқалишаётган экан. Синфдошларидан бири уни кўриб қолдию:

— Ана, юбилярнинг ўзиям келяпти! — деди овозининг борича. Ҳамма унга «ялт» этиб қаради. Қийқириқ, қарсаклар ҳаммаёқни тутиб кетди. Қизиқ, нимага гул тақдим қилгани югуришмаяпти? Э, гулдаста тайёрлаб қўйишни унутишган! Уртага мактаб директори чиқди:

— Мана, ўқувчилар! Юбиляр Уткирали Киркаев шу бола бўлади. Биласиз, эрта келиш унга ярашмайди...

Уткирали ҳижолатдан терлаб кетди. Ҳе, ўл-а, ҳамма сени интиқ бўлиб кутибдию кеч қолиб ўтирибсан-а?!

— Биз унга «юбилей партаси»ни тайёрлаб қўйганмиз, — гапида давом этди директор, — туғрироғи, унинг мактабимиздаги етти йиллик фаолиятини акс эттирган, жонажон партасини.

Ҳаммалари «гурр» этиб кулиб юборишди.

— Қани, юбилярни ўз синфига ўтказиб юборинглар-чи?..

Ҳақиқатан, боя хаёлидан кечганидай, икки томонга сурилиб унга йўл бўшатдилар. Болалар унга ишшайиб қарашарди. Илгари аълочилар партасига алвон ёзилган бўларди. Ҳозир «Юбиляр партаси» қанақа буларкин-а?

Йўлакка бурилдию полга кўзи тушди. Кимдир атайин қилгандай бур билан:

«Юбилярнинг порлоқдир йўли,

Ёзишдан ҳеч толмайди қўли»

деб битиб қўйибди. Қаранг, шеърлар тўқишгаям улгуришибдия, азаматлар!.. Тавба, нималар бўляпти ўзи? синфлари эшигига тахтача осилиб, пичоқ биланми қинғир-қийшиқ қилиб: «Бу ерда Ў. Киркаев ўқийди» деб ёзиб қўйишибди. Шошилишганда, шошилишган, бўлмаса чиройлироқ чиққан буларди.

Ҳижолатда қолган Уткирали Киркаев эшикни очиб кирдию ичида нимадир «жиз» этиб, гангиб қолди. Чиройли қилиб бўялган, ярақлаб турган парталар ичида ҳаммаёғига «ажи-бужи»лар ёзилган, чизилган, пичоқ теккан ва сиёҳлар сочилган парта ажралиб турарди. Бу — Уткиралининг фаолияти акс этган «Юбилей партаси» эди. Бу ўқув йилида шу ҳолича унга тақдим қилишган экан...

Муҳаммад ҚОДИР.
Наманган шаҳри.

А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ ҚУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда:
Ижтимоий психология — 5 ўрин,
Ёш ва педагогик психология —4 ўрин,
Махсус психология —1 ўрин

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Маълумот олиш учун А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти аспирантура бўлимига (телефон 46-66-98), илмий-услубий ишлар бўйича проректорга (телефон 46-06-68) мурожаат этиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент —95, Саидов кўчаси, 6-уй.

Хуллас...

АНТИҚА БАҲОНА

Электр ва газ учун катта миқдордаги пулни тўламаётганлиги сабабли судга чақирилган АҚШ фуқароси Тернер барча айбни уйининг аввалги эгаси — ўзини ўзи ўлдирган марҳумда демоқда. Арвох кечалари «рухсатсиз» газ ҳамда телевизорларни ёқиб қўймаслиги учун у полициядан ҳеч бўлмаса ҳафтасига бир-икки бор навбатчилик қилишни илтимос ҳам қилмоқда.

КУТИЛМАГАН УЛУШ

Украинанинг Лебедин шаҳрилик гўрковларнинг белкурагига урилган хумга салкам ярим млн. долларлик 200 та олтин танга тиқилган экан. Узларига келган топалоқлар бойликни милицияга топширдилар. Улар қонун буйича хазинанинг 25 фоизи — 40 минг доллардан бериладиган улушни интиқлик билан кутмоқдалар.

МАШҲУР «САКРАШ»

Парижликларни ҳайратга қўйганича баланд бинолар чўққисини забт этаётган Сильвиан университетининг талабаси Сан-Клотилд черковидаги Э. Присцилла деворга осилиб чиқаётганида йиқилиб тушди, аммо беш ой ўтгач «малика» вазифасини бажариб турган қизга уйланди. Талаба полициядан хавфсираб исмини сир тутмоқда.

ЧАҚАЛОҚҚА 6 МИНГ ДОЛЛАР МУКОФОТ

Сабаби, унинг дунёга келиши билан Таиланд аҳолиси 60 млн. кишига етар экан. Гудакнинг қаерда ва қачон туғилишини туғри айта олганларга ҳам катта совринлар белгиланган. Маълумотларга кўра, бахтли инсон 2 ноябрь куни таваллуд топиши керак. Юқоридагиларнинг барчаси ярим аср муқаддам бошланган оилани режалаштириш компаниясига шуҳрат келтирмоқда.

ЗАР ҚАДРИНИ ХЎРОЗ БИЛАДИ

Биласиз, марварид ҳам хиралашади, эскиради. Ҳиндистонликлар уни ўз ҳолига келтиришнинг ажойиб йўлини топишган. Улар марваридни хўрозга юттиришади. Сунг эса бир неча кун ўтгач, унинг ошқозонидан тошни олишади. Қарабсизки, марварид яна жилоланиб турибди. Сабаби, хўроз ошқозони ажратадиган суюқлик шундай тозалаш хусусиятига эга экан.

ана шунақа гаплар.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.